ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЛМОНОВ ҚУДРАТЖОН
БАХТИЁРОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

республика илмий-амалий анжуманида фаол
иштироки учун

# СЕРТИФИКАТ

билан тақдирланди

ТДТУ ректори С.М.Турабджанов

29 апрель 2020 йил Тошкент ш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ
29 апрель 2020 йил

ТОШКЕНТ

114. **Аллаева Г.Ж., д.ф.э.н. (PhD), доцент, ТашГТУ имени И.Каримова.** Роль государства в устойчивом развитии энергетических отраслей Республики Узбекистан.......................................................................................... 246
115. **Толипов М.Ш., и.ф.н., доцент, И.Каримов номидаги ТошДТУ.** Бозор муносабатларининг чукурлашуви даврида ижтимоий муҳофазанинг зарурияти........................................................................................ 248
116. **Ганбиазарова З.Т., к.э.н., доцент, докторант, ТашГТУ имени И.Каримова.** Формирование человеческого капитала в предприятиях как фактор производственной эффективности........................................................ 249
117. **Хусаинов Р.Р. и.ф.н., доцент, Искандаров И., талаба, И.Каримов номидаги ТошДТУ.** Коронавирус пандемияси муносабати билан Ўзбекистонда солиқ юкини камайтирилиши........................................................................ 251
118. **Самадова Н.Р., катта ўқитувчи, ТМИ.** Хўжалик юритувчи субъектларда ресурслар самарадорлигини баҳолаш............................................................ 252
119. **Самадова Н.Р., катта ўқитувчи, Турдалиев Ж.М., талаба, ТМИ.** Ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобини такомиллаштириш.................................................... 254
120. **Самадова Н.Р., катта ўқитувчи, ТМИ.** Корхоналарда моддий ресурслардан самарали фойдаланиш таҳлили............................................................ 255
121. **Саматов З.О., катта ўқитувчи, Термиз давлат университети.** Саноат корхоналари билан олий таълим муассасалари ҳамкорлигининг илмий методологик асослари............................................................................ 256
122. **Усманова Р.М., к.э.н., доцент, Турабекова Г.И., ст. препод., ТашГТУ имени И.Каримова.** Совершенствование системы дополнительного профессионального образования на базе предприятий корпоративных структур........................ 258
123. **Усманова Ш.Дж., к.п.н., доцент,ТашГТУ имени И.Каримова.** Психолого - педагогические аспекты профессиональное воспитание личности учителя............ 259
124. **Саматов З. О., катта ўқитувчи, Термиз давлат университети.** Олий таълим тизимини инновацион ривожланишини белгиловчи асосий омиллар .................... 261
125. **Турсунова Н.Х., ст.преподаватель, ТашГТУ имени И.Каримова.** Управление качеством высшего образования.......................................................... 263
126. **Абдурахманова М.А., кат.ўқитувчи, И.Каримов номидаги ТошДТУ.** Корхонанинг тижорат сирини ҳимоялаш тадбирлари........................................ 265
127. **Дилмонов Қ.Б., кат.ўқитувчи, Бухоро давлат университети.** Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларда инновацион тафаккурни шакллантириш........ 267
128. **Юсупходжаева Г.Б., ст.преп., ТИПСАЭД.** Развитие интеллектуальных транспортных систем в Республике Узбекистан.................................................. 268
129. **Хужаев И.А., муст.изланувчи, И.Каримов номидаги ТошДТУ.** Ўзбекистонда енгил саноат корхоналарини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари .................... 270

✓ тижорат сирларини ошкор қилганларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллаш хавфи кучаяди.

Барча йўқотишларнинг умумий миқори қийматини аниқ ҳисоблаш жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, баъзида ишончли маълумотлар йўқлиги сабабли уларни ҳисоблашнинг имкони ҳам бўлмайди. Шу сабабли кўп ҳолларда корхоналарнинг маълумотларини ҳимоя қилишга риоя этмаслик билан боғлиқ бўлган йўқотишларини йириклаштирилган эксперт баҳолаш кифоя қилади. Юқорида келтирилган йўқотишларнинг ўрнини қоплаш кўпинча корхоналардан қўшимча харажатларни талаб қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатчилик курашида эришиш мумкин бўлган муваффақиятлар имкониятини пасайтиради.

*Дилмонов Қ.Б., кат.ўқитувчи,*
*Бухоро давлат университети*

## ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ, УЛАРДА ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклларини устувор ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди, унинг ролини ошириш учун йирик институционал асослар яратилди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни кафолатловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларга кўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар, корхоналар шулар жумласига киради. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари мажмуини ташкил этиш муваффақиятли бормоқда.

Ҳар қандай тадбиркорлик маълум бир ҳудудда: мамлакат, вилоят, шаҳар ёки қишлоқ миқёсида олиб борилади. Тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун маълум бир ишчи муҳити бўлиши керак.

Бундай муҳит айрим ҳудудлар миқёсида мужассамланиб, ўзида ишбилармонлик функцияларини амалга оширишни мужассамлантирган. Умумий ҳолда тадбиркорлик муҳити асосан қуйидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади. Улар ижобий ёки рағбатлантириш кўринишида ҳам шаклланиши мумкин. Ушбу ҳолда мамлакат ёки минтақадаги мавжуд шарт-шароитлар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мос бўлади. Чунки, бундай муҳит тадбиркорга амалга ошираётган ишларининг натижалари қандай бўлишини олдиндан кўра билишига кенг имконият туғдиради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида улкан ишларни амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда, мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг бугунги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари, умумий халқаро нормаларга тўлиқ жавоб беради. Ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликдан, демократик туб ўзгаришлардан манфаатдор бўлган ижтимоий қатлам шаклланди. Кейинги йилларда замонавий бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган бир қатор мамлакатларда гигант корхоналар бажарган аввалги кўп вазифаларни мобиль, яъни ихчам, кичик корхоналар томонидан амалга ошириш жараёни кузатилмоқда. Бу жараён бозор иқтисодиётининг динамик, ҳаракатчан, янгиликларга ҳозиржавоб тарзда ўсиш, бозордаги талаб ва унинг ўзгаришига тез мослашувчан бўлишини таъминламоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши ички бозорни сифатли, рақобатбардош товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, жаҳон бозори талабларига мос, экспортбоп маҳсулотларни, хизматларни кўпайтириш

янги иш ўринлари яратиш, аввало, ёшларни иш билан таъминлашнинг, шу асосда ҳулар даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, фикрлаши, дунёқараши, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Зеро, ёшлар жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илгор қатлами, келажакнинг ишончли эгаларидир. Айни вақтда устувор ҳисобланган давлат илмий-техника сиёсатининг моҳияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодиёт тармоқлари тубдан янгиланишига имкон берадиган илмий ва технологик тадқиқотларга кўмаклашишдан иборат.

Давлат инновацион сиёсати маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновацион фаолият устуворликларини тан олишдан келиб чиқиб шакллантирилади ва амалга оширилади.

Давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсади инновацион фаолият учун маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигининг ўсиши, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал этишни таъминлайдиган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг мудофаа қобилиятини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Фикримизча, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишда қуйидаги масалаларга эътиборни янада кенгроқ қаратиш муҳим аҳамият касб этади: ёшларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш; ёшлар орқали кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қулай бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб беришни узлуксизлигини таъминлаш; давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши учун мақсадли, имтиёзли кредитлар ажратиш ва уларнинг сарфини таъминлашда тизимли назоратини йўлга қўйиш; ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали ижтимоий қатламни шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни замон талаблари асосида янада такомиллаштириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга оширилиши ёшларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги ҳиссаларини янада оширишда, уларнинг миллий мафкура ҳамда умумхалқ манфаатларининг фаол курашчисига айланишида муҳим омил вазифасини бажаради. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш давр талаби, шунингдек олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари битирувчилари ва қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишнинг фаол тадбирларини амалга ошириш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиради ва аҳолини бандлик муаммосини ҳал этишга ёрдам беради. Айни вақтда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ҳамда бу соҳада маълум самараларга эришиш учун Ўзбекистон Республикасида қулай бизнес муҳит яратилаганлиги эътироф этиш лозим.

*Юсупходжаева Г. Б., ст. преп.*
*ТИИСАЭЛ*

## РАЗВИТИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ТРАНСПОРТНЫХ СИСТЕМ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Для успешного содействия переходу к устойчивой мобильности требуется избрать новый подход к развитию существующих транспортных систем. Обеспечение устойчивого транспорта и устойчивой мобильности необходим системный подход, нацеленный на получение достижимых результатов, в том числе в плане повышения